

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН

МУСТАҚИЛ ИШ

МАВЗУ: Иқтисодий ўсиш назарияси

Бажарди: Ҳайитова З.

Тошкент - 2012

Режа.

- 1. Иктисодий ушнинг мазмуни турлари ва курсаткичлари.*
- 2. Иктисодий ушнинг омиллари.*
- 3. Иктисодий уш моделлари.*

Иктисодий усиш суръати реал ЯИМни усиш суръатида ифодаланади. Иктисодий усишнинг нисбий миққорини усиш суръати курсатади. Усиш суръати жорий йилдаги ялпи ички (миллий) махсулотни утган йилга нисбати тарзида ҳисобланади. Юқоридаги мисолимиз бўйича усиш суръати 150:145к103,4%, иктисодчилар усиш суръатидаги озгинагина узғаришга ҳам катта аҳамият беришади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан миллий иктисодий усиш билан боғлиқ уч муҳим муаммога эътибор бериладиган бўлди.

Биринчи муаммо. Иктисодий усишдан қўзланган мақсад нима?

Неоклассиклар фикрича микроиктисодий миқёсда тадбиркорлар уз олдиларига иктисодий усиш орқали максимал даражада фойда олишни қўядилар.

Макромикёсдачи? Агарда макромикёс даражасида ҳам шу мақсад қўйилса, унда маълум катлам бошқалар ҳисобига бойийди. Аҳолининг табақаланиши ҳаддан зиёд қўчайиб кетади.

Натижада норозиликлар, зиддиятлар, конфликтлар қўчаяди. Унинг оқибати мамлакат учун ачинарли тўташи мумкин. Демак, макромикёсда иктисодий усишга эришишнинг оптимал мақсади барча аҳолини ҳаёт кечиришини яхшилаш, турмуш даражасини қўтаришдир. Бошқача айтганда барча аҳоли даромадини ўстиришдир.

Ўсиб боровчи иктисодиёт миллий иктисодиётда, янги вужудга келаетган, юксалиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, шу билан бирга халқаро даражада социаликтисодий муаммоларни ечиш имконини беради. Реал иш ҳакиннинг ўсиши оиладаги эҳтиёжларни чекламай, туларок қондиришга олиб келади. Иктисодий усиш ресурсларни чекланганлиги муаммосини ечишни енгиллаштиради. Инвестицияни қўнғайтириш имконини беради. Ҳуллас иктисодий усиш жамиятнинг уз олдига қўйган қўнғ миқёсдаги дастурини амалга ошириш имконини беради.

Жамиятнинг қўзлаган мақсади қай даражада амалга ошаётганини ақс

эттирадиган курсаткич бу ахоли жон бошига яратилган миллий даромад бўлиб, у куп жихатдан усиш суръатига боглик.

Иккинчи муаммо. Миллий даромаднинг усиш суръати кандай булиши керак,

Бу муаммога назариётчилар ҳам, амалиётчилар ҳам бирдек диққатларини каратишади. Узок муддат юкори суръатни саклаб булмайди. Бунинг учун катта ресурслар талаб этилади. Хар кандай мамлакат ҳам бунинг уддасидан чиқолмайди. Ундан ташкари хаддан зиёд юкори усиш суръати ички иқтисодий мувозанатни бузади. Чунки хамма тармоқлар шундай юкори суръатда ривожлана олмайди. Миллий хужаликнинг барча бушнлари, тармоқлари уртасидаги нормал алоқалар бузилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: жамият учун мухими етарли даражада стабил иқтисодий усишга эришиш. Бу мақсадга кандай омиллар эвазига эришилади, билиш керак.

Учинчи муаммо. кандай омиллар эвазига иқтисодий усишни таъминлашнинг оптимал вариантыни топиш муаммосидир.

Иқтисодчиларнинг фикрига кура хар кандай мамлакатнинг иқтисодий усишини таъминлайдиган омиллар, куйидагилар:

1. Табиий ресурслар микдори ва сифати.
2. Мехнат ресурслари микдори ва сифати.
3. Асосий капитад хажми.
4. Техник тараккиёт ва технология.
5. Инвестициянинг усиши.

Буларнинг хаммасини таюгаф омили деб аташ мумкин. Айнан улар ишлаб чиқаришни усишини таъминлайди.

Шу билан бирга талаб омиллари ҳам катта рол уйнайди. Иқтисодиётнинг усишини таъминлаш учун ишлаб чиқарилган махсулотни тула истеъмол қилиш керак. Бунинг учун ялпи харажатларни купайтириш лозам.

Иқтисодий усишга таксимлаш омиллари катта таъсир курсатади.

Айникса, миллий даромад ва унинг таксимланиши, миллий даромадда жамгаришнинг хиссаси кандай булиши нихоятда мухим рол уйнайди.

Умуман олганда барча омиллар бирбири билан боглик.

Иктисодий усишга таъсир этадиган омиллар орасида меҳнат омили алоҳида урин тутади.

Меҳнат сарфи даражасига жуда куп омиллар таъсир курсатади. Иш кучининг микдори билан биргаликда сифат даражаси ҳам мухим рол уйнайди. Жамият микёсида сарфланган меҳнат хажмига мамлакатдаги аҳоли ва ишловчиларнинг сони, ҳамда иш вакти таъсир килса, меҳнат унумдорлигига техника тараккиёти, инвестиция, ишловчиларнинг маълумоти, малакаси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқалар таъсир этади.

Иктисодий усишнинг яна бир мухим омили капитал харажатлар. У асбобускуна, биноиншоотлар, ҳамда товар захираларини уз ичига олади. Асосий капитал уйжой фондини ҳам уз ичига олади, чунки уй эгалари курсатиладиган хизматдан манфаат куришади. Капитал харажатларига жамгариш нормаси, асосий капитал хажми, капитал билан курулланиш даражаси ва бошқалар таъсир курсатади.

Иктисодий усишни таъминлашда ер табиий ресурсларнинг микдори ва сифати ҳам катта рол уйнайди.

Шу билан бирга табиий ресурсларнинг мавжудлиги иктисодий усиш учун етарли эмас, мухими улардан самарали фойдаланишни йулга куйиш.

Фан-техника тараккиётининг накадар мухимлигини эслатишнинг зарурияти ҳам йук, чунки у иктисодий усишнинг двигатели хисобланади.

Иктисодий усишга кандай омиллар оркали, кандай сарфхаражатлар эвазига эришилганлигига караб иктисодий усиш икки типга ажратилади: экстенсив ва интенсив.

Иктисодий усишнинг экстенсив (лотинча *extensivuz*-кенгаювчи) усулида иктисодий усишга кушимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб килиш эвазига эришилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг техник асослари

эскича колади. Махсулот ишлаб чикариш хажми ишчилар сонининг ортиши, ускуна, энергия, хом ашё ва бошкаларни купайиши хисобига ортади. Шунинг учун хар бир ишловчига тугри келадиган махсулот микдори, яъни меҳнат унумдордиги аввалгича колади.

Экстенсив иктисодий усиш кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришнинг тарихан дастлабки энг оддий йулидир.

Шунинг учун иктисодий усишнинг интенсив йулига утилади. Иктисодий усишнинг интенсив (intensif - тигизлик, зур бериш) усули нисбатан мураккаб булиб, усиш ресурсларни тежабтергаб ишлатиш хисобига, ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланади. Бунда ресурслар бирлигига тугри келадиган махсулот микдори усади. У ФТТ ютукларидан ишлаб чикариш жараёнида фойдаланиш;

- банд булганларнинг малакаси, маҳоратини ошириш;
- ишлаб чикарилаётган махсулотнинг сифатини яхшилаш, ассортиментини янгилаш хисобига эришилади.

Натижада меҳнат унумдорлиги усади, асосийси ресурслар тежалади.

Интенсив усулнинг куйидаги шакллари мавжуд: меҳнатни тежовчи, капитал тежовчи, универсал.

Иктисодий усишнинг меҳнатни тежовчи шакли ишлаб чикаришга янги техника технологияни жорий килиш билан боғлиқ. Бу даврда ишлаб чикариш воситалари, ишлаб чикариш илдам ривожланади.

70-йилларда илгари сурилган гоёлардан бири нол даражадаги иктисодий усиш концепциясидир. У усиш окибатлари билан боғлиқ муаммоларга бағишланади. Бу муаммо энг аввало борган сари хом ашё ресурсларини куплаб ишлатиш билан боғлиқ. Борган сари хом ашё ва ёнилги ресурслари камайиб, аҳолининг эҳтиёжлари эса усиб бормокда. Ана шу муаммони хал килиш мақсадида АКШдаги Массачусетс технология институтининг профессори Денис ва Донэлла Медоуз раҳбарлигида бир гуруҳ иктисодчилар "умуминсоний фалокат хавфи тугрисида парадоксал хулоса" чикаришади. Уларнинг фикрича якин 100 йил давомида ресурслар

камайиб, тугаб боради. Бу уз навбатида иктисодий усишни ҳам камайиб, тургунликка тушишига олиб келади. Ер юзида инсонлар сони усишининг хозирги тенденцияси маълум бир чегарага - ресурсларни аёвсиз ишлатиш ҳам, табиий катаклизмга олиб келади.

Иктисодий усишни ялпи миллий махсулот ва миллий даромад курсаткичлари оркали ифодалаш билан бирга, иктисодий усишни таъминловчи омиллар ва уларнинг нисбати оркали ҳам баҳолаш мумкин.

Маълумки, бозор иктисодиёти шароитида товар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатишни уч омил: меҳнат, капитал ва ер (табиий ресурслар) таъминлайди. Ундан келиб чиқиб, жами махсулотни меҳнат харажатлари L , капитал K , табиий ресурслар N , функцияси Y сифатида қуриш мумкин.

$$Y = f(L, K, N)$$

Иктисодий усишни характерлашда ана шу омилларни қуллашдан олинган натижаларни ифодаловчи курсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Биринчидан, иктисодий усишнинг муҳим курсаткичи бўлиб, меҳнат унумдорлиги ёки унга тесқари курсаткич, меҳнат сигими ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини махсулот ҳажмининг меҳнат харажатларига нисбати Y/L , меҳнат сигимини эса меҳнат харажатларнинг махсулот ҳажмига L/Y , нисбати тарзида аниқланади.

Иккинчидан, иктисодий усишни ва уни қайси тип асосида юз беришини курсатишда капитал унумдорлиги ёки унга тесқари курсаткич капитал сигимидан фойдаланилади.

Капитал унумдорлиги махсулот ҳажмини сарфланган капиталга (одатда асосий капитал) Y/K нисбати, капитал сигими эса аксинча капитал ҳажмини ишлаб чиқарилган махсулот ҳажмига нисбати K/Y тарзида ҳисобланади.

Учинчидан, иктисодий усишни курсатадиган муҳим курсаткичлардан бири табиий ресурслар ер, энергия ва бошқаларнинг унумдорлиги ёки аксинча ресурслар сигимидир.

Ресурслар унумдорлиги махсулот ҳажмининг ресурслар ҳажмига нисбати Y/K , ёки аксинча ресурс сигими ресурслар ҳажмининг махсулот

ҳажмига K/Y нисбати тарзида ҳисобланади.

Ундан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида омилларнинг бирбирига нисбати тарзида ҳам қуриш мумкин. Бундай курсаткичлардан аввало капитал харажатлари билан меҳнат харажатлари уртасидаги нисбат (K/L) яъни меҳнатни капитал билан қуролланиш даражаси ва бошқаларни курсатиш мумкин.

Адабиётлар руйхати

1. Каримов И. А. *Узбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура*. 1-китоб. Т. «Узбекистон» 1996 йил.
2. Каримов И. А. *«Узбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириши йулида»* Т., «Узбекистон» 1995 йил.
3. Каримов И. А. *«Узбекистон - буюк келажак сари»*. Т., «Узбекистон» 1998 йил.
4. Каримов И. А. *Узбекистон ХХІ аср бусагасида. Хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари*.
5. Каримов И. А. *«Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-тировард максадимиз»*. Т., «Узбекистон» 2000 йил.
6. Шодмонов Ш. Ш., Алимов Р. Х., Жураев Т. Т. *«Иктисодиёт назарияси»* Тошкент, «Молия» 2002 йил.
7. Улмасов А., Вахобов. А. *«Иктисодиёт назарияси»*. Тошкент. Шарк. 2006 йил.
8. Тожибоева Д. *«Иктисодиёт назарияси»*. 2 том. Т. «Шарк» 2003 йил.
9. Тожибоева Д. *«Иктисодиёт назарияси»*. 1 том. Т. «Укитувчи» 2002 йил.
10. Улмасов А., Шарифхужаев М. *«Иктисодиёт назарияси»*. Т. «Мехнат». 1995 йил.
11. Умаров У. *«Иктисодиёт назарияси»*. Т. 2004 йил.
12. Бекнозов Н ва бошқ. *«Иктисодиёт назарияси»*. Т.
13. Шишкин А. Ф. *«Экономическая теория»* учебник. М., «ВЛАДОС» 1996 йил.

www.ziynet.uz